

Шарипов Назаржон

тадқиқотчи

Аннотация: Алишер Навоий "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарини "Хамса" асарини ёзиб тугатгач ёзишга киришади. Асар адабий-тарихий ва диний-ирфоний мазмунга эга бўлиб, уч қисмдан иборатдир. Биринчи қисмда пайғамбарларнинг ҳаёти ва насаблари ҳақида маълумотлар берилса, иккинчи қисмда Аллоҳга яқин бўлган обид инсонлар ҳақида хабарлар келтирилади. Учинчи қисмда эса ҳаким зотлар зикр этилади. Асар насрый шаклда ёзилган бўлиб, ҳар бир пайғамбар ҳақидаги қиссанинг охирида рубоий қўринишида хотима берилади. Рубоийлар дунёвий ҳаётнинг ўткинчилиги ва инсон умрининг муқаррар якуни ҳақида бўлади. Асадаги маълумотлар Одам Атодан бошланиб, пайғамбар авлодидан бўлган, аммо пайғамбарлик мақоми берилмаган шахсларни ҳам қамраб олади. Учинчи қисмда Луқмони Ҳаким, Фишогурс (Пифагор), Жомосб, Буқрот (Гиппократ), Суқрот (Сократ), Жолинус (Гален), Батлимус (Птоломей) каби ҳакимлар ҳақида сўз юритилади. Асар тарихий маълумотларни ўз ичига олгани билан бирга, диний ва ирфоний мазмунни ҳам қамраб олган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, "Тарихи анбиё ва ҳукамо", пайғамбарлар тарихи, илоҳий фалсафа, ирфоний асар, ҳакимлар, насрый асар, тарихий маълумотлар, диний мазмун, адабий-тарихий асар.

Навоий 1485 йилда “Хамса”ни ёзиб тугатгач, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарини ёзишга киришади. Навоий буюк ўзбек шоири ва мутафаккири. Алишер Навоий томонидан яратилган асарлардан бири бу “Тарихи анбиё ва ҳукамо”дир. Навоий 1485 йилда машҳур “Хамса” асарини ёзиб тугатгач, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарини ёзишга киришади. Бу асар

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

ўз мазмуни ва таркиби билан адабий-тарихий ҳамда диний-ирфоний моҳиятга эга бўлиб, уч қисмдан иборатдир.

Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда пайғамбарлар ҳаёти ва насаблари ҳақида маълумотлар берилади. Иккинчи қисмда Аллоҳга яқин бўлган обид инсонлар ҳақидаги хабарлар келтирилади. Учинчи қисмда эса ҳаким зотлар зикри келади. Асар насрой тарзда ёзилган бўлиб, ҳар бир пайғамбар ҳақидаги маълумот сўнгига рубоий кўринишидаги хотима берилади. Барча рубоийлар мазмуни дунё ўткинчи экани, инсон дунёда минг йил яшаса ҳам ўлим мұқаррар экани ҳақидадир. Масалан, Одам ато ҳақидаги маълумот ниҳоясида:

Одамники, Ҳақ лутф ила мавжуд этти,

Мажмуъи мулк хайлиға масжуд этти,

Охир танидин рухни манқуд этти,

Ул навъки, нобуд эди нобуд этти, дейилса, Шис пайғамбар хабари сўнгида:

Гар Шис ва гар Қобил эрур, гар Ҳобил,

Ёшлари агар юз йил эрур, гар минг йил,

Бир неча кун этсалар жаҳонда таътил,

Охир бориға ажал буюур таъжил, деб ниҳояланади.

Пайғамбарлар қисмидаги маълумотлар Одам атодан бошланиб, кетма кетликада бериб бориларкан, пайғамбар авлодидан бўлган лекин пайғамбарлик мақоми берилмаган шахслар ҳақида ҳам сўз боради. Пайғамбарлар зикри Жиржис билан ниҳояланади. Асарда сўнги пайғамбар Мухаммад алайҳиссалом ҳаёти ҳақида маълумот берилмайди.

Ҳаким зотлардан Луқмони ҳаким, Фишоғурс (Пифагор), Жомосб, Буқрот (Гиппократ), Буқротис, Суқрот (Сократ), Жолинус (Гален), Батлимус (Птоломей), Содик (Нўширавон даврида яшаган), Бузургмехр (Нўширавон вазири)лар ҳақида маълумотлар келади.

Аксарият адабиётларда “Тарихи анбиё ва ҳукамо” Навоийнинг тарихий асари сифатида талқин қилинади. Тўғри, асар тарихий

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

маълумотларни ўз ичига олади ва тарихий мазмунни ифодалай олади. Лекин нубуват, расул, ваҳий каби тушунчалар, пайғамбарларнинг ҳаёт тарзи ва тарихи ҳақидаги маълумотлар диний моҳитга эга бўлгани учун ҳам асарни диний-ирфоний мазмундаги асар дейиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий А. Тарихи анбиё ва ҳукамо. МАТ 20 томлик, 16 - том. – Т.: Фан. 2000.
2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. 1-китоб. – Т.: “HIOL NASHR”. 2017.
3. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Нвоийшунослик. 1-китоб. – Т.: “TAMADDUN”. 2018.